

# Ҳаж сафарининг мақбул ва манқул дуолари

05:00 / 16.01.2017 61175

نَدِي دَعْوَةَ الْمُحْسِنِينَ الَّتِي نَدَىٰ فِيهَا رِجَالٌ مُّسْتَقِيمُونَ

«Роббингизга тазарруъ ила ва махфий дуо қилинг. Зотан, У ҳаддан ошувчиларни севмас» (Аъроф сураси, 55-оят).

مُؤَلِّكٍ لِّخَلْجِ رِيحٍ كَبِيْرٍ يَلْبَسُ حُلِيْمًا  
الِي صَاوِرَةٍ كَبِيْرَةٍ لِّحُلِيِّهَا وَارِيْكَ رُبَّكَ هَلْ لَهَا

## ДУОНИНГ МАҚБУЛ БЎЛИШИ

### БОРАСИДА МУҲИМ КЎРСАТМАЛАР

1. Аллоҳ таолонинг ҳузурида дуодан кўра маҳбуб нарса йўқ бўлиб, дуо ибодатнинг мағзи ҳисобланади (*Термизий шариф*);
2. Дуонинг аввали ва охирида Аллоҳ таолога ҳамду сано ва икки олам сарвари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга дуруд юбориш маснундир. «Фазоилу дуруди шариф» номли китобда дуонинг ўртасида ҳам дуруд ўқиш суннат дейилган;
3. Дуонинг қабул бўлишига аниқ ишониб, бутун диққат-эътиборни Аллоҳ таолога қаратиб дуо қилиш лозим;
4. Дуода киши ўзининг хокисорлиги, тавозуъси ва ожизлигини намоён қилиши лозим;
5. Ғафлатда, эътиборсизлик билан қилинган дуо қабул бўлмайди. Шунинг учун қисқа, кенг қамровли дуо қилиш лозим;
6. Ҳарами шариф ва махсус жойларда қилинган дуолар мақбулиятга яқин бўлади;

7. Ҳожи ва умра қилувчиларнинг дуолари Аллоҳ таолонинг ҳузурида қабулга яқинроқдир. Ҳадисда «Ҳожилар мағфират қилинадилар. Шундай экан, гуноҳлари мағфират қилинган ҳожилар бошқаларнинг ҳам мағфират қилинишини сўраб дуо қилсинлар», дейилган;

8. Арабий лафзда нақл қилинган дуоларни ёдламаган киши махсус жойларда китобга қараб дуо ўқиши мумкин;

9. Араб тилида нақл қилинган дуоларни китобга қараб ўқишга қийналган киши дилидаги муродларини ўз тилида сўраши мумкин.

مَوْلُكَ لَخَلِّ لِرِيحِكَ بِبِحِيلِ عِ      آدَبًا مَّاءِادٍ مَّسَّوْلٍ لِّصَبْرٍ اِي

## **МАККАИ МУКАРРАМА ВА МАДИНАИ МУНАВВАРАДАГИ**

### **ДУО ҚАБУЛ БЎЛАДИГАН ЎТТИЗ ЖОЙ**

Фикҳий китобларда Маккаи Мукаррамадаги йигирма бир жойда қилинган дуолар мустажоб бўлиши ҳақида ёзилган ва салафи солиҳлардан нақл қилингандир. Мадинаи Мунавварада ҳам дуо қабул бўладиган кўплаб жойлар бор. Улардан тўққизтасини ушбу китобда келтирдик. Дуо қилишга эътибор қаратиш лозим бўлган ўринлар қуйидагилардир:

1. Байтуллоҳни илк кўрган пайтда;
2. Тавоф қилаётган пайтда;
3. Мултазамга осилган пайтда;
4. Раҳмат тарновининг остида;
5. Байтуллоҳнинг ичида;
6. Замзам сувини ичаётганда;
7. Мақоми Иброҳимнинг ёнида;
8. Сафо тоғининг устида;

9. Марва тоғининг устида;
10. Саъй қилаётганда;
11. Арафот майдонида;
12. Муздалифа майдонида;
13. Мино майдонида;
14. Тош отгандан кейин жамарот олдида;
15. Ҳатимнинг ичида (Фатҳул қодирда);
16. Рукни ямонийнинг олдида;
17. Савр ғорида;
18. Ҳиро ғорида;
19. Дорул Арқам жойлашган жойда;
20. Хадича розияллоҳу анҳонинг маконлари жойлашган жойда;
21. Мудъо мақоми, яъни Масжидул Ҳарамдан Жаннатул муъалло томон кетишда жойлашган жойда (Ғуниятун-носик);
22. Мадинаи Мунавварадаги Риёзул жаннада;
23. Оиша розияллоҳу анҳонинг устунлари ёнида;
24. Абу Лубоба устунлари ёнида;
25. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меҳробларида;
26. Суффада;
27. Фатҳ масжидида;
28. Қубо масжидида;
29. Масжидул қиблатайнда (Икки қибла масжидида);
30. Масжидул ижобада.

Ушбу жойларга келиш насиб қилган ҳар бир киши Аллоҳ таолога тазарруъ ила дунё ва охирадаги муродларини сўраши лозим. Бундай ўринларда самимий дуолар қилиб олишдан ғафлатда қолмаслик керак. Ушбу жойларда ўқиладиган манқул дуоларнинг аксариятини ушбу китобимизда келтириб ўтамыз.

## САФАРНИ БОШЛАШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

Сафарга равона бўлаётган киши уйдан чиқаётган пайтда қуйида келтирилган дуони ўқиса, шайтон ва душман ҳамласидан омонда бўлиб, ҳар қандай мушқули осон бўлади, иншааллоҳ.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ اَللّٰهُمَّ اِنِّیْ اَسْئَلُکَ تَجْرِیْلَ الْوَدَّعِیْنِ وَتَجْرِیْلَ الْوَدَّعِیْنِ

**«Бисмиллааҳи таваккалту ъалаллоҳи, лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ»** (Сунани Термизий).

**Маъноси:** Аллоҳнинг номи билан (сафарни бошлайман), Аллоҳга таваккал қилдим. Тоатга қувват ва гуноҳдан сақланишга бўлган қувват ҳам ёлғиз Аллоҳ таоло томонидандир.

رَبِّ سَمَاءٍ کَبُورٍ وَّرَبِّ اَرْضٍ کَبُورٍ وَّرَبِّ عَرْشٍ کَبُورٍ

**«Аллоҳумма, бика асуулу, ва бика аҳуулу, ва бика асийру»** (Муснади Аҳмад).

**Маъноси:** Аллоҳим! Сенинг мададинг ила ҳимматланаман, Сенинг мададинг ила гуноҳдан тийиламан, Сенинг мададинг ила сафарга чиқаман.

## ҲАВО, ДЕНГИЗ ЁКИ ҚУРУҚЛИК ТРАНСПОРТИГА

### ЧИҚҚАН ВАҚТДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

Самолёт трапига (зинапоясига) ёки бошқа транспорт воситасига қадам қўйган пайтда басмалани айтиб, қуйидаги дуони ўқийди:

نَوْبَلَقْنُمَلْ اَنْبَرَ لِيْلْ اِنْ اَوْ نِيَنْرُقْمُ هَلْ اُنْ كَامْ وَاَدَهْ اَنْ لَرَخْ سِيْدَلْ اِنْ اِحْبُسْ

**«Субҳааналлааҳий саххороланаа ҳаазаа, ва маа куннаа лаҳу муқринийн. Ва иннаа илаа Роббинаа ламунқолибуун»** (Зухруф сураси, 13-14 оятлар. Саҳиҳи Муслим, Сунани Термизий).

**Маъноси: «Бизга буни хизматкор қилиб қўйган Зот покдир. Бунга қодир эмас эдик. Ва албатта, биз Роббимизга қайтувчилардирмиз».**

## **БИРОР МАНЗИЛГА ТУШГАН ПАЙТДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Сафар давомида бирор жойга дам олиш ёки бошқа сабаб туфайли тушилса, қуйидаги дуо ўқилади:

نِيْلِرْزُنْمُلْ اُرِيْخَ تَنْ اَوْ اَكْرَابُمْ اَلْرُنْمُ يَنْ لِرْزَنْ اَبْر

**«Робби, анзилний мунзалан мубаарокан ва анта хойрул мунзилийн»** (Муъминун сураси, 29-оят).

**Маъноси: «Роббим, мени муборак манзилга туширгин, Сен манзилга туширувчиларнинг энг яхшисисан».**

## **САМОЛЁТ ЁКИ БОШҚА ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИДА**

### **ДАРЁ УСТИДАН ЎТАЁТГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Самолётда сафар қилаётган киши сафар давомида дарё устидан учиб ўтаётган пайтда қуйидаги дуони ўқийди:

ضْرَالْ اَوْ وِرْدَقْ قَحَّ لَلْ اَوْ رَدَقْ اَمْ و[1] مِيْحَرْ رُوْفَعَلْ يَبْرَنْ اِهْ اَسْرُمْ وَاَهْ اَرْحَمْ لَلْ اَمْ سَبْ اَمْ عِيْلَاغَتْ وُهَنْ اِحْبُسْ هَنْ يَمْ يَبْتْ اَيْ وُطْمُ تْ اَوْ اَمْسَلْ اَوْ اَمَّ اَيْقَلْ اَمْ وَيْ هُتْ ضَبَقْ اَعْيَمْ جْ [2] نُوْكَرْ شِيْ

**«Бисмиллааҳи мажрооҳаа ва мурсааҳаа. Инна Роббий лағофуурур роҳийм».**

**«Ва маа қодаруллоҳа ҳаққо қодриҳ вал арду жамийъан қобдотуху явмал қийаамати вас самааваати матвиййаатун бийамийниҳи субҳаанаҳу ва таъаалаа ъаммаа йушрикуун» (Ҳисни ҳусайн).**

Маъноси: **«...Унинг юриши ҳам, туриши ҳам Аллоҳнинг номи ила. Албатта, Роббим ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» (Ҳуд сураси, 41-оят).**

**«Аллоҳни Ўзига лойиқ қадрламадилар. Ҳолбуки, қиёмат куни ер борлигича Унинг сиқимидадир. Осмонлар эса Унинг қудрат қўлига йиғилгандир. У Зот улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва олийдир» (Зумар сураси, 67-оят).**

### **САФАР ДАВОМИДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

رَفَّسْ لِي فِي بَحْرِ الْأَصْلَانِ تَنْ أُمُّهُ لَلِ . هَذَا عِبَادَةٌ وَأَوْ ، أَدَّ أَنْ رَفَّسَ أَنْ يَلْعَنَ وَهُ مَوْلَى لَلِ  
ءُوسَ وَبَلَقَ قُنُومًا لَبَّ أَكْ وَرَفَّسَ لِي آءَاتِ عَوْ وَنَمَّ كَبُ ذُوْعَ أَيَّ نِ مَوْلَى لَلِ . لَوْلَا لِي فِي فَيْ لَخَلَّ أَوْ  
لَمَّا لَوْلَا لَوْلَا لِي فِي رَطَّنَ مَوْلَى لَلِ

**«Аллоҳумма, ҳаввин ғалайнаа сафаронаа ҳазаа, ватви ғаннаа баъдаҳу. Аллоҳумма, антас-соҳибу фис-сафари вал холийфату фил аҳли. Аллоҳумма, инний аъузу бика мин ваъсааис-сафари ва каабатил мунқолаби ва сууил манзори фил аҳли вал маали» (Сунани Термизий).**

**Маъноси:** Аллоҳим! Сафаримизни ўзимизга енгил қилгин, узоғини яқин қилгин. Аллоҳим! Сафардаги соҳибим Ўзингсан, сафардалигимда аҳлимни ҳифзу ҳимоянгга олгувчисан. Аллоҳим! Сафарнинг машаққатидан, ғамга солувчи манзара(га дучор бўлиш)дан, уйга – ўз аҳлимга, молимга ва фарзандларимга қайтиб келганимда ёмон ҳолатга дучор бўлишдан Ўзингдан паноҳ сўрайман.

### **УМРА ЁКИ ТАМАТТУЪ ЭҲРОМИНИНГ ДУОСИ**

Умра ёки таматтуъ ҳажини қилмоқчи бўлган киши қуйидаги дуони ўқийди:

يٰٓنَّمْ اٰهَلَّ بَقْتَو ، يٰ اِهْرَسَيَّ فَاَرْمُغْلَا دِيْرُ اِيْنِّ مَّهَلَلَا

**«Аллоҳумма, инний урийдул умрота, фа йассирҳаа лий ва тақоббалҳаа минний»** (Бадоиус саноиъ).

**Маъноси:** Аллоҳим! Умра қилишни ирода қилдим. Уни менга осон қилгин ва уни мендан қабул қилгин.

## ТАЛБИЯ ЛАФЗИ

اَلْكَوْلُ لَوْ اَوْ كَلَّ عَمَّ نَلَّ اَوْ دَمَّ حَلَّ اِنَّ كَيْبَلَّ كَلَّ كَيْبَلَّ اَلْكَوْلُ لَوْ اَوْ كَلَّ عَمَّ نَلَّ اَوْ دَمَّ حَلَّ اِنَّ كَيْبَلَّ كَلَّ كَيْبَلَّ اَلْكَوْلُ لَوْ اَوْ كَلَّ عَمَّ نَلَّ اَوْ دَمَّ حَلَّ اِنَّ كَيْبَلَّ كَلَّ كَيْبَلَّ

**«Лаббайкаллоҳумма, лаббайк! Лаббайка, лаа шарийка лака лаббайк! Иннал ҳамда ван-неъмата лака вал мулк, лаа шарийка лак!»** (Термизий, Бухорий, Насоий ривояти).

**Маъноси:** «Лаббай Аллоҳим, лаббай! Ҳузурингда ҳозирман, Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман! Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман! Лаббай! Сенинг шеригинг йўқдир, лаббай! Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман! Албатта, ҳамд ҳам, неъмат ҳам ва мулк ҳам барчаси Сеникидир! Сенинг шеригинг йўқдир!».

## ҲАРАМ ҲУДУДИГА КИРИШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

مَّهَلَلَا رَانَ لَوْلَا عَيْرَشَبُو يَمْطَعُو وَيَمَدَّو يَمْحَلَّ مَّحَلَّ فَاَرْمُغْلَا دِيْرُ اِيْنِّ مَّهَلَلَا اَلْكَوْلُ لَوْ اَوْ كَلَّ عَمَّ نَلَّ اَوْ دَمَّ حَلَّ اِنَّ كَيْبَلَّ كَلَّ كَيْبَلَّ اَلْكَوْلُ لَوْ اَوْ كَلَّ عَمَّ نَلَّ اَوْ دَمَّ حَلَّ اِنَّ كَيْبَلَّ كَلَّ كَيْبَلَّ

**«Аллоҳумма, инна ҳазаа ҳаромука ва ҳарому расулика. Фа ҳаррим лаҳмий ва дамий ва ъазмий ва башарий ъалан-наар. Аллоҳумма, ааминний мин ъазаабика йавма табъасу ъибаадик»** (Табйийнул ҳақоик, Қозийхон, Фуния жадийд).

**Маъноси:** Аллоҳим! Бу жой Сенинг ва Расулининг ҳарамидир. Гўштим, қоним, суягим ва теримни дўзахга ҳаром қилгин. Аллоҳим! Бандаларингни қайта тирилтирадиган Кунда мени азобингдан Ўзинг асрагин!

## МАСЖИДУЛ ҲАРАМГА КИРИШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

Масжидул ҳаромга киришда аввал ўнг оёқни қўйиб, дуруди шариф айтиб, қуйидаги дуо ўқилади:

حَتِّفَاوْ ، يَبْوُنُذِي رَفْعًا مَهْلًا ، هَلَلَلِ لُؤْسَرَى لَعْمَالِ سَلَاوْ ؕ وَ لَصَلَاوْ هَلَلَلِ مَسْبَبْ  
كُنْتُمْ حَرَّ بَابِ أَيِّ

**«Бисмиллааҳи, вас солаату вас-салааму ъалаа расулиллааҳ. Аллоҳуммағфир лий зунуубий, вафтаҳ лий абвааба роҳматик»** (Ибн Можа, Сунани Термизий).

**Маъноси:** Аллоҳнинг номи билан (кираман). Аллоҳнинг Расулига салавоту саломлар бўлсин. Аллоҳим! Гуноҳларимни мағфират қилгин ва менга раҳмат эшикларингни очгин.

## БАЙТУЛЛОҲИ ШАРИФГА ИЛК

### НАЗАР ТУШГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

Масжидул ҳаромга киргандан кейин Каъбатуллоҳга илк назар ташланганда қуйидаги дуо ўқилади:

تَبَّالْ اِذْهَ ذُمَّمٌ لِّلْ اِمَّا لِّ سَلَابِ اِنَّبَرِ اِنِّي حَف ، مَّا لِّ سَلَا كُنْمُو ، مَّا لِّ سَلَا تَنْ اَمَّ لِّلْ ا  
هَرْمَتَاوْ هَجَّحْ نَمْمٌ هَمَّرْكَوْ هَفَّرْشَ نَم دَزُو ، ؕ ؕ بَاهَمُوْ اَمِّي طَعْتَاوْ اَمِّي رِكْتَاوْ اَفِي رِشْتَا  
اَرَبُوْ اَمِّي طَعْتَاوْ اَفِي رِشْتَا

**«Аллоҳумма, антас-салаам ва минкас-салаам, фаҳаййнаа Роббанаа бис-салаам. Аллоҳумма, зид ҳазаал байта ташрийфан ва такрийман ва таъзийман ва маҳаабатан. Ва зид ман шаррофаҳу ва карромаҳу мимман ҳажжаҳу ваътамароҳу ташрийфан ва таъзийман ва биррон»** (Қозийхон, Аҳкомул ҳаж).



**«Бисмиллааҳи, Аллоҳу акбар ва лиллааҳил ҳамд, вас-солаату вас-салааму ъалаа расулиллааҳ. Аллоҳумма, иймаанан бика ва тасдийқон би китаабика ва вафааи биъаҳдика ваттибааъан лисуннати набийика Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллам»** (Қозийхон).

**Маъноси:** Аллоҳ номи ила тавоф қилишни бошлайман. Аллоҳ улуғдир. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. У Зотнинг Расулига савобу саломлар бўлсин. Аллоҳим! Сенга иймон келтириб, китобингни тасдиқ қилиб, аҳдингга вафо қилиб, Набийингнинг суннатига эргашиб (тавофни бошлайман).

Агар ушбу дуони билмаса, фақат «**لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَرَبُّكَ الْأَكْبَرُ الَّذِي لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ**» - **Бисмиллааҳи, Аллоҳу акбар, ва лиллааҳил ҳамд** дейишнинг ўзи кифоя қилади.

## **ТАВОФНИ ҲАР АЙЛАНИШДА**

### **АЛОҲИДА-АЛОҲИДА ДУОЛАР БОР**

Тавофга киришгандан кейин ҳар айланишда алоҳида-алоҳида дуолари ўқилади. Ўқувчига қулай бўлиши учун китобда ҳар айланишга алоҳида сарлавҳа тайин қилиб, уларнинг ҳар бирида ўқиладиган дуоларни келтирдик. Шунини ёдда тутингки, ушбу дуоларнинг барчаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан собит бўлган, лекин биз ушбу китобда келтирган тартибда нақл қилинган эмас. Шунинг учун китобда келтирилгандан бошқа дуоларни ҳам ўқиш мумкин. Лекин рукни ямоний билан ҳажарул асвад оралигида ўқиладиган дуо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан айнан биз ёзганимиздек собит бўлган.

### **БИРИНЧИ АЙЛАНИШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Тавофнинг биринчи айланишида қуйидаги дуо ўқилади:



**Маъноси:** Аллоҳим! Сендан дунёю охиратда афв ва офиятни сўрайман. Роббимиз! Бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилиқни ато қилиб, бизларни дўзах азобидан сақлагин. Бизларни аброр бандаларинг билан жаннатга киргазгин, эй Азиз, эй Ғаффор, эй оламларнинг Робби!

## ИККИНЧИ АЙЛАНИШНИНГ ДУОСИ

«**دَمَّخَالٍ لَّوْرَبِّكَ أَهْلًا لَّوْلَهُمْ سَبَّ**» (**Бисмиллааҳи, Аллоҳу акбар ва лиллааҳил ҳамд**) деб, иккинчи айланишга киришиб, қуйидаги дуони ўқийди:

كَدَبَعِ اِنْ اَوْ كُذِّبَعِ دَبَّعْ لَوْ اَوْ كَمِ اِنْ اَوْ كَمَحْ لَوْ اَوْ كُتِّبَ تَبَّ لَوْ اَدَّهَنَّ اِنْ مُمَّ لَلِ  
[7] رَانَ لِي لَعَانَتِ رَشَبٍ وَاِنْ مَوْحَلٍ مَحْوَرًا لَنْ مَكْبِ ذِي اَعْلَامٍ اَقَمِ اَدَّوْ كَدَبَعِ نَبَاوِ  
قَوْسُ فُلْ اَوْ رَفُ كَلِّ اِنْ يَلِ اَوْ رَكَوْ ، اَنْ بُولُقِ يَفُ نَّيَزُوْ ، نَامِ يَلِ اِنْ يَلِ اِنْ يَلِ اِنْ يَلِ  
[9] كَدَابِعُ تَغَبَّتْ مَوِيَّ كَبَادَعِ يَنْقُ مُمَّ لَلِ [8] نِي دَشَارَلِ نَمِ اَنْ لَعَجَاوْ ، نَايْ صَعْلُ اَوْ  
بِاسْحَرْ يَغَبُّ نَجْلُ يَنْ قَزْرًا مُمَّ لَلِ

**«Аллоҳумма! Инна ҳаазал Байта Байтука, вал Ҳарома Ҳаромука, вал амну амнука, вал ъабда ъабдука, ва ана ъабдука вабну ъабдика, ва ҳаза мақомул ъоизи бика минан-наар. Ва ҳаррим луҳуумана ва башаротанаа ъалан-наар. Аллоҳумма! Ҳаббиб илайнал-иймаана ва зайинҳу фий қулуубинаа, ва карриҳ илайнал-куфро вал-фусууқо вал-ъисйаана, важъалнаа минар-рошидийн. Аллоҳумма! Қиний ъазабака йавма таъасу ъибаадак. Аллоҳуммарзуқнийл жанната биғойри ҳисааб».**

**Маъноси:** «Аллоҳим, бу Байт Сенинг Байтингдир, ва ҳарам Сенинг ҳарамингдир. Бу ердаги омонликни Сен қоим қилгансан. Банда Сенинг бандангдир ва мен Сенинг банданг ва бандангнинг фарзандиман. Бу жой Сенинг мададинг ила дўзахдан паноҳ сўраладиган жойдир. Гўштаримизни, териларимизни дўзахга ҳаром қилгин. Аллоҳим! Бизларга иймонни суюкли қилгин. Қалбларимизга уни чиройли кўрсатгин. Бизларни куфр, фиққ ва гуноҳдан нафратлантир ҳамда бизларни ҳидоят топгувчилар сафида қил».

**Кўрсатма:** Ушбу дуони рукни ямонийга етиб боришдан олдин ўқиб бўлиш керак. Рукни ямонийга етилгач қуйидаги дуо ўқилади:

اِيْ نُّدَلِ يَفِ اَنْ تَاَنْ بَرَّخَالِ يَفِ وَاِيْ نُّدَلِ يَفِ اَفِ اَعْلُ اَوْ وُفَعْلُ اِنْ لَّسَا يَنْ اِنْ مُمَّ لَلِ  
اي زيزع اي راربأل عم ةنجل انلخدأو [10] رانل ابادع انقو ةنسخه رأل ي فو ةنسخ

نېم لعل بر اي رافع.

**«Аллоҳумма! Инний асъалукал ъафва вал-офията фид-дунйаа ва фил-аахира. Роббанаа! Аатинаа фид-дунйаа ҳасанатан ва фил-аахироти ҳасанатан ва қинаа ъазаабан-наар. Вадхилнаал жанната маъал-аброр, йаа Ўазийз, йаа Ғоффар, йаа Роббал ъааламийн!».**

**Маъноси:** «Аллоҳим! Сендан дунёю охиратда афв ва офият сўрайман. Эй Роббимиз! Бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қилиб, бизларни дўзах азобидан сақлагин. Бизларни аброр бандаларинг билан жаннатга киргазгин, эй Азиз, эй Ғаффор, эй оламлар Робби!

### УЧИНЧИ АЙЛАНИШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

«دَمَحَّالْ لَوْلَوْ رُبَّكَ أَهْلَ الْعَالَمِ سَبَّ» (Бисмиллааҳи, Аллоҳу акбар ва лиллааҳил ҳамд) деб, учинчи айланишга киришиб, қуйидаги дуони ўқийди:

ءُؤَسَّوِ قَالِحِ الْاَلِ ءُؤَسَّوِ قَاقِشِ لْاَوْ قَافِئِ لْاَوْ كَرِّشِ لْاَوْ كَشِّ لْاَوْ نَمَّ كَبُّ ذُؤَعِ اَيِّ نِ مِ هَلِّ لْا  
ةَنْتَفِ نَمَّ كَبُّ ذُؤَعِ اَيِّ نِ مِ هَلِّ لْا [11] دَلَّوْ لْاَوْ لْهَلَّ لْاَوْ لَمَّ لْاَوْ يَفِ بَلَقِ نَمَّ لْاَوْ رَطْنِ مِ لْا  
ةَرْخِ لْاَوْ اَيُّ نِ دَلَّ اَيِّ نِ زُخِّ لْاَوْ نَمَّ كَبُّ ذُؤَعِ اَوْ تَامَّ لْاَوْ اَيِّ حَمَّ لْاَوْ ءَنْتَفِ نَمَّ كَبُّ ذُؤَعِ اَوْ رُبِّ قَوْلِ  
[12].

**«Аллоҳумма! Инний аъузуз бика минаш-шакки ваш-ширки ван-нифаақи ва сууил-ахлоқи ва сууил-манзори вал-мунқолиби фил-маали вал-аҳли вал-валад. Аллоҳумма! Инний аъузуз бика мин фитнатил-қобри ва аъузуз бика мин фитнатил-маҳйаа вал-мамаати ва аъузуз бика минал хизйи фид-дунйаа вал-аахира».**

**Маъноси:** «Аллоҳим! Шакка тушишдан, ширкдан, амрингга хилоф қилишдан, мунофиқликдан, ёмон хулқдан, молим, аҳлим ва фарзандимга қайтганда хунук ҳолатга дучор бўлишдан паноҳ сўрайман. Аллоҳим! Қабр фитнасидан, ҳаёт ва мамот фитнасидан ҳамда дунёю охират хорликларидан паноҳ сўрайман».

**Кўрсатма:** ушбу дуони ҳам рукни ямонийга етиб боришдан олдин ўқиб тугатиб, ундан кейин қуйидаги дуони ўқийди:

اَيُّ نِ دَلَّ اَيِّ نِ تَانَّ بَرَّ ءَرْخِ لْاَوْ اَيِّ نِ دَلَّ اَيِّ نِ فِ ءِ فِ اَعْلَ لْاَوْ وَفَعْلَ لْاَوْ كُؤَسَّ اَيِّ نِ مِ هَلِّ لْا  
اَيِّ نِ زِ زِ عِ اَيِّ رَ اَبَّ اَلْا عَمَّ ءَنْ جَلَّ اَن لَّ خِ دَاؤُ [13] رَانَّ لْاَوْ اَبَّ اَدَّ اَن قَوَّ ءَنْ سَحَّ ءَرْخِ لْاَوْ يَفِ وَ ءَنْ سَحَّ  
نېم لعل بر اي رافع.

**«Аллоҳумма! Инний асълукал ъафва вал-офията фид-дунйаа ва фил-аахира. Роббанаа! Аатинаа фид-дунйаа ҳасанатан ва фил-аахироти ҳасанатан ва қинаа ъазабан-наар. Вадхилнал-жанната маъал аброр, йаа Ўазийз, йаа Ғоффар, йаа Роббал ъааламийн».**

**Маъноси:** «Аллоҳим! Сендан дунёю охиратда афв ва офият сўрайман. Эй Роббимиз! Бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қилиб, бизларни дўзах азобидан сақлагин. Бизларни аброр бандаларинг билан жаннатга киргизгин, эй Азиз, эй Ғаффор, эй оламлар Робби!

### **ТҮРТИНЧИ АЙЛАНИШНИНГ ДУОСИ**

«**دَمَحَ الْجَلَلُ وَرَبُّكَ أَجَلُ الْجَلَلِ مَسَبٌ**» (**Бисмиллааҳи, Аллоҳу акбар ва лиллааҳил ҳамд**) деб тўртинчи айланишга киришиб, қуйидаги дуони ўқийди:

عَرَجَتْ وَالْوُبُوقِ مَا جَلَّاصَ الْمَعَوِ أَرْوْفِعَ مَ أَبْنَدَوِ أَرْوُكُ شَمَ أَيَعَسَوِ أَرْوُزَبَمَ أَجَحُ هُ لَعَجَ أَ مَّهَلَلِ  
رُونَ لَ إِ لَ تَ ا مَّ لُ طَ لَ ا ن م ه ل ل ا ا ي ن ج ر خ أ ر و دُ ص ل ل ا ي ف ا م م ل ا ع ا ي [14] ر و بَّ ت ن ل  
ر ب ل ك ن م ة م ي ن ع ل ا و ا ك ت ر ف ع م م ئ ا ز ع و ا ك ت م ح ر ت ا ب ج و م ك ل ل ا س ا ي ن ا م ه ل ل ا  
ا م ب ي ن ع ن ق ر ب ر [16] ر ا ن ل ا ن م ة ا ج ن ل ا و ا ن ج ل ا ب ز و ف ل ا و [15] م ث ل ل ك ن م ة م ا ل س ل ا و  
ر ي خ ب ك ن م ي ل ة ب ئ ا غ ل ل ك ل ع ف ل خ ا و ي ن ت ي ط ع ا م ي ف ي ل ك ر ا ب و ي ن ت ق ز ر

**«Аллоҳумм! Ижъалҳу ҳажжан мабруурон, ва саъйан машкуурон, ва занбан мағфуурон, ва ъамалан солиҳан, мақбуулан ва тижаротан лан табуур. Йаа Ўаалиму маа фис-судуур! Ахрижний йаа Аллоҳу миная-зулумаати илан-нуур. Аллоҳумма! Инний асълука муужиббаати роҳматика, ва ъазааима мағфиротика, вал ғониймата мин кулли бирр, ва салаамата мин кулли исм, вал-фавза бил жаннати ван-нажаата минан наар. Робби! Қанниъний бимаа розақтаний ва баарик лий фий маа аътиний вахлуф ъалаа кулли ғоибатин лий минка бихойрин»** (Китаби манаасик).

**Маъноси:** «Аллоҳим! Бу ҳажимни ҳажжи мабрур қилгин. Ҳаракатимни манфаатли қилгин. Гуноҳларимни мағфират қилгин. Амалларимни солиҳ ва мақбул қилгин. Касодга учрамайдиган тижорат қилгин. Эй диллардаги нарсаларни билгувчи Зот! Аллоҳим! Мени зулматдан нурга чиқаргин. Аллоҳим! Сендан раҳматинг вожиб бўлишини, мағфиратингга сабаб бўлишини, ҳар бир гуноҳдан саломатликни, ҳар бир яхшиликдан бир









**аахироти ҳасанатан ва қинаа ғазабан наар! Вадхилнал жанната маъал аброр, йаа Ўазийз, йаа Ғоффар, йаа Роббал ғааламийн».**

**Маъноси:** «Аллоҳим! Сендан дунёю охиратда афв ва офият сўрайман. Роббимиз! Бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қилиб, бизларни дўзах азобидан сақлагин. Бизларни аброр бандаларинг билан жаннатга киргизгин, эй Азиз, эй Ғоффор, эй оламлар Робби!»

## **МАҚОМИ ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМДА НАМОЗ ЎҚИШ**

Тавофдан фориғ бўлгандан кейин мақоми Иброҳим алайҳиссаломга келиб, ушбу оятни ўқийди:

يَا لَاصُمَّ مَهِرَبًا رَبِّمَاقَمٌ نَمِ اُوذِحَّتْ اَو

«**Ваттахизу мин мақоми Иброҳима мусолла**» (Бақара сураси, 125-оят).

**Маъноси:** «Иброҳимнинг мақомини намозгоҳ тутинг».

Ушбу оятни ўқиб бўлгандан кейин мақоми Иброҳим алайҳиссаломда икки ракъат тавоф намози ўқилади. Агар тиқилинч бўлса ёки тавоф қилувчилар орасида туриб намоз ўқишнинг имконияти бўлмаса, бошқа жойда ўқилади.

## **ТАВОФ НАМОЗИДАН КЕЙИН ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМ МАҚОМИДА ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИЛГАН ДУОНИ ЎҚИШ**

Шукрона сифатида ўқиладиган икки ракъат намоздан кейин Иброҳим алайҳиссалом мақомида Одам алайҳиссаломнинг қуйидаги дуосини ўқийди:

يَنطَعُ أَفْ يَتَجَاحُ مَلَعَتَو ، يَتَرُدُّعَمَلَبَقَافِ يَتَيَنَالَعَوِ يَّرسُ مَلَعَتَكُنَّ اِمُّهَلَلِ ا  
اَنَامِ يَكُلُّ اَسَا يَّيْنِ اِمُّهَلَلِ ا ، يَبُونُذِي رُفْعَافِ يَسْفَنِ يَفَامُ مَلَعَتَو ، يَلُؤُسُ  
يَلَتَبَتَكَ اَمَّالِ اِيْنُبِ يَصُيْ اَلُهَنَّ اَمَلَعَا يَّحَاقِدَا صَا نِ يَقِيَوِ ، يَبَلَقُ رُشَابِي  
نِ يَحَارِلِ اَحْرَا اِي يَلَتَمَّسَقِ اَمَبَّ اَضَرَو

**«Аллоҳумма! Иннака таъламу сиррий ва ʔалааниятий фақбал маъзиротий ва таъламу ҳаажатий ва аътиний суълий, ва таъламу маа фий нафсий фағфир лий зунуубий. Аллоҳумма! Асʔалука иймаанан йубааширу қолбий ва яқийнан содиқон ҳатта аълама аннаҳу лаа йусийбуний илла маа катабта лий ва ридоан бимаа қоссамта лий, йаа арҳамар роҳимийн»** (Табйийнул ҳақоиқ).

**Маъноси:** «Аллоҳим! Сен менинг зоҳириму ботинимни жуда яхши биласан. Узримни қабул қилгин. Ҳожатимни ҳам биласан, сўраганимни бергин. Дилимдагини ҳам биласан, гуноҳларимни мағфират қилгин. Аллоҳим! Мен сендан қалбимга қоришиб кетган иймон, ҳақиқий ишонч сўрайман. Тақдиримга Сен битган нарсадан ўзга бирор нарса менга етмаслигини биламан. Мен учун тақсим қилган нарсанга розиман, эй меҳрибонлар меҳрибони!».

**Фойда:** «Табйийнул ҳақоиқ» китобида кимки тавоф намозини ўқигандан кейин ушбу дуони ўқиса, Аллоҳ таоло унинг барча гуноҳларини мағфират қилиб, барча ғам-ташвишларини аритади ва фақирлик кўрмайди ҳамда молу давлат унинг қадами остида бўлади, дейилган.

## **МУЛТАЗАМДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Мақоми Иброҳим алайҳиссаломда мазкур дуони ўқигандан кейин Мултазамга келинади. Мултазам деб Каъба эшиги билан Ҳажарул асвад орасидаги жойга айтилади. У жойда қилинган дуолар ижобат бўлади. Мултазамда қуйидаги дуо ўқилади:

هُنَّ نِيَّاتِي دَهْ اَمَّ كُمْ هَلْ لَلْ اِنِّي مَلْ اَعْلَلْ اِي دَهْ وَا كَرَابُ مْ هَتْ لَعَجْ اِي دَلْ ا كُتِّي بْ اَدَهْ نْ اِي مُمْ هَلْ لَلْ اِي  
اِي ضَرْتْ اِي حَيْهْ اِي دَوْعَلْ اِي نَقْرُورْ اُو كُتِّي بْ نَمْ دَهْ اَعْلَلْ اِي اَدَهْ لَعَجَتْ اَلْو ، اِي نَمْ لَبَّ قَتْ فْ  
اِنِّي مَحْرُرْ اَلْ اِي كُتِّي مَحْرَبْ اِي نَعْ

**«Аллоҳумма! Инна ҳааза Байтукааллазий жаъалтаҳу мубаарокан ва худан лилʔааламийн. Аллоҳумма! Камаа ҳадайтаний лаҳу фатақоббал минний ва лаа тажъал ҳааза аахирол аҳди мин Байтика, варзуқний ал-авда илайҳи ҳатта тардо ʔанний, бироҳматика йаа арҳамар роҳимийн»** (Мароқил фалоҳ).

**Маъноси:** «Аллоҳим, бу Байт Сен муборак қилган ва оламларга ҳидоят қилган Байтдир. Аллоҳим! Мени бу Байтни зиёрат қилишга ҳидоят қилганингдек зиёратимни мендан қабул айла. Байтингга қилган бу сафаримни охирги сафарим қилма. Ўзинг мендан рози бўлгунигча қайта-қайта келишни раҳматинг ила насиб қилгин, эй меҳрибонлар меҳрибони!».

## **РАҲМАТ ТАРНОВИ ОСТИДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Раҳмат тарнови, яъни Байтуллоҳи шарифнинг тарнови остида қилинган дуолар ҳам мақбул бўлади. Лекин бу ерда бир-бирини туртиб, итаришдан сақланиш лозим. Агар у ерда туриб дуо қилишнинг имкони бўлса, қуйидаги дуо ўқилади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْ بِنَآءِ قَفَارٍ مَّوَدَّفَنِيْ اَلْ اَنْ يَّقِيْ وَيُوَلِّوْنِيْ اَلْ اَنْ اَمِيْ اِيْ كُنْ اَسَاۤءِيْ اِنِّىْ اَسْئَلُكَ  
اَلْ اَنْ تَحْتَجَّ لِيْ  
اَلْ اَنْ تَحْتَجَّ لِيْ اَلْ اَنْ تَحْتَجَّ لِيْ اَلْ اَنْ تَحْتَجَّ لِيْ اَلْ اَنْ تَحْتَجَّ لِيْ اَلْ اَنْ تَحْتَجَّ لِيْ

**«Аллоҳумма! Инний асъалука иймаанан лаа йазуулу ва яқийнан лаа янфаду ва мурофақата Набиййика Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллама! Аллоҳумма! Азолланий тахта зилли ʼаршика йавма лаа зилла иллаа зиллу аршика, васқиний бикаъси Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллам шарбатан лаа азмау баъдаҳаа абадан»**  
(Табйийнул ҳақоик).

**Маъноси:** «Аллоҳим! Сендан ажралмас иймон, тугаб-битмас ишонч, Набиййинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлишни сўрайман. Аллоҳим! Аршинг соясидан ўзга соя йўқ кунда мени унинг сояси остида соялантиргин. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пиёлаларида қайтиб ҳеч қачон чанқамайдиган қилиб сув ичиргин».

## **ЗАМЗАМ СУИНИ ИЧАЁТГАН ПАЙТДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Мултазамдан фориғ бўлгач, замзам қудуғига бориб, замзам сувини ичаётган пайтда қуйидаги дуолар ўқилади:

يٰۤاٰدِلُّكُ نَمَّ ءَافِشَو ، اَعَسَاو اَقْزَرَو ، اَعْفَان اَمْلَع كَلِّ اَسَا يٰنَا مُهَلَّلَا

**«Аллоҳумма! Инний асъалука илман наафиъан, ва ризқон ваасиъан, ва шифаан мин кулли даин» (Фатавои Қозихон).**

**Маъноси:** «Аллоҳим! Мен Сендан фойдали илм, кенг ризқ ва барча дарддан шифо сўрайман».

## **САФО БИЛАН МАРВА ТЕПАЛИГИДА САЪЙ ҚИЛИШ УЧУН**

### **МАСЖИДУЛ ҲАРОМДАН ЧИҚИШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Замзамдан фориғ бўлгач, Ҳажарул асвад истилом қилинади. Ундан кейин Сафо билан Марва тепалигида саъй қилиш учун Сафо тоғига равона бўлинади. Масжидул Ҳаромдан чиқишда қуйидаги дуо ўқилади:

يٰلِ حَتِّفَاو يٰبُوْنُوْذِ يٰلِ رِفْعَا مَهَلَّلَا هَلَّلَا لَوْسُرَّ يٰلِ عِمَالِسَلَاو ؕوَلِصَلَاو هَلَّلَا مَسْبَبْ  
كَلِّضَف بَاوَبَّأ

**«Бисмиллааҳи, вас-солату вас-салааму ъалаа Расулиллааҳ. Аллоҳуммағфир лий зунуубий вафтаҳ лий абвааба фадлик» (Фуниятун носик).**

**Маъноси:** «Аллоҳ номи ила (масжиддан чиқаман). Аллоҳнинг Расулига салавоту саломлар бўлсин. Аллоҳим! Гуноҳларимни мағфират қилиб, менга фазлу раҳмат дарвозаларингни очгин».

## **САФО ТОҒИГА КЎТАРИЛАЁТГАН ПАЙТДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Масжидул Ҳаромдан чиққандан кейин Сафо тоғига кўтарилаётган пайтда қуйидаги дуо ўқилади:

يٰۤاٰدِلُّرِئِ اَعَشَو نَمَّ ؕوَرَمَلَاو اَفْصَلَا نِ هَلَّلَا اَدْبَاو اَدْبَاو هَلَّلَا مَسْبَبْ

**«Бисмиллааҳи, абдау бимаа бадаъаллоҳу биҳи. Иннас-Софаа вал-Марвата мин шаъааириллааҳ» (Фуниятун носик).**



**Маъноси:** «Роббим! Мени мағфират қил ва раҳм қил. Ўзинг билган гуноҳларни мендан кечгин. Сен ғолибсан, карам соҳибсан».

## **ИККИ ЯШИЛ ЧИЗИҚДАН ЎТИБ, МАРВА ТЕПАЛИГИГА КЕТАЁТГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Икки яшил чизикдан ўтиб, Марва тепалигига кўтарилаётган вақтда қуйидаги дуони ўқийди:

تَالضُّمِّ نَوْمِي نَذَعُ أَوْ ، هَتَّي لَمْ يَلْعَيْ نَفَوَتَوْ كَيْبَنَنْ سَبَّي نَلْمَعَتْ سَا مَّهَلَلَا  
نَمَحْرَارَلَا مَحْرَارَا أَي كَتَمَّ حَرْبِنَنْ تَفَلَا

**«Аллоҳумма! Истаъмилний би суннати Набиййика ва таваффаний ғалаа миллатиҳ. Ва аъизний мин мудиллаатил фитани, бироҳматика йаа арҳамар роҳимийн»** (Табйийнул ҳақоик).

**Маъноси:** «Аллоҳим! Мени Набиййингнинг суннатига амал қилувчилардан қилгин, Раҳматинг ила у зотнинг миллатига кўра вафот топишни насиб қилгин. Адаштирувчи ва залолатга олиб борувчи фитналардан раҳматинг ила паноҳ бергин, эй меҳрибонлар меҳрибони!».

Икки яшил чизикдан ўтгандан кейин Марва тепалигига кўтарилишда юқоридаги дуо ўқилади. Сўнгра Марва тепалигида ҳам Сафо тепалигида ўқиган дуосини яна ўқийди. Бу дуоларнинг араб тилидаги матнини ёдламаганлар ўз она тилида қандай дуо ёд олган бўлса, шуни ўқиб, истагини Аллоҳ таолодан сўрайди.

**Масала:** Икки яшил чизик орасида югурилади. Лекин Сафо тепалигидан икки яшил чизикқача оҳиста юрилади. Икки яшил чизик оралигида эса паҳлавонча юриш қилинади, кейин Марвагача ўз ҳайъатида юриди. Эркаклар ҳар айланишда икки яшил чизик орасида югурадилар. Аёллар эса бундан мустаснодир.

## **ЗУЛҲИЖЖАНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ КУНИ МИНОДАН**

## **АРАФОТГА РАВОНА БЎЛАЁТГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Ҳожилар Зулҳижжанинг тўққизинчи куни субҳда Минода бомдод намозини ўқиб, қуёш чиққач, Арафотга равона бўладилар. Арафотга кетишга отланганда қуйидаги дуо ўқилади:

أَرْوُزْبَمِ يَّحَّوْ أَرْوُفَعَمِ يَبْنَدُ لَعَجَافٍ تَدْرَأُ كَهَجَ وَّو تَلَّكَوَتْ كَيْلَعَوِ تَهَّجَوَتْ كَيْلِ لِمُ هَلَلِ  
لَّكَ لَع كُنَّ ، ي تَجَاح تَافَرَعَبِ ضُوقَاوِ يَرْفَسِ ي ف ي ل كُ رَابَوِ يَنْبُ يَّحَّتِ الْوِ يَنْمَحْرَاوِ  
رِي دَقْرِي ش.

**«Аллоҳумма, илайка таважжаҳту ва ʼалайка таваккалту, ва важҳака ародту. Фажъал занбий мағфурон, ва ҳажжий мабрурон, варҳамний ва лаа тухаййибний ва баарик лий фии сафарий вақди биъарофаатин ҳаажатий, иннака ʼалаа кулли шайъин қодийр».**

**Маъноси:** «Аллоҳим, Сенга юзландим, Ўзингга таваккул қилдим. Сенинг Зотингни ирода қилдим. Гуноҳимни кечирилган, ҳажимни мақбул қилинган қилгин. Менга раҳм қилиб, ноумид қўймагин. Ушбу сафаримда барака бергин. Арафотда ҳожатларимни раво қилгин. Албатта, Сен барча нарсага қодирсан».

Мазкур дуони ўқиб, Арафотга равона бўлинади. Арафотга етиб боргунча йўл-йўлакай талбияни кўп бор айтиш билан бир қаторда такбир, таҳлил, тасбиҳ, ҳамд ва дуруду саломлар айтилади, ора-орада қайта-қайта талбия айтилади.

## **АРАФОТГА КИРИШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Арафот майдонига етай деб қолганда, Раҳмат тоғи кўзга ташланганда қуйидаги дуо ўқилади:

يَنْطَعُ أَوْ يَلْعَبُ تَوِيْلُ رَفْعًا مُهَلَلِ تَدْرَأُ كَهَجَ وَّو تَلَّكَوَتْ كَيْلَعَوِ تَهَّجَوَتْ كَيْلِ لِمُ هَلَلِ  
هُ هَلَلِ الْهَلِ الْوِ هَلَلِ دُمَحْلَاوِ هَلَلِ أَنْحَبُسِ تَهَّجَوَتْ أَمْنِيْ أَرْيَحِلِ ي لَّجَ وَّو ي لُّوْسِ  
رَبُّكَ أَلَلِ وَّ

**«Аллоҳумма, илайка таважжаҳту ва ʼалайка таваккалту, ва важҳака ародту. Аллоҳуммағфирлий ва туб ʼалайя ва аътиний суълий ва важжиҳ лил-хойро айнамаа таважжаҳту. Субҳааналлоҳи валҳамду лиллааҳи ва лаа илааҳа иллаллоҳу, валлоҳу акбар» (Зайлаъий).**









**Фойда:** Муздалифада кечани бедор ўтказгандан сўнг бомдодни намознинг аввалги вақтида ўқиб, сўнгра вуқуф қилишда давом этилади. Вуқуф пайтида Аллоҳ таолога дуолар қилиб, йиғлаб илтижо қилинади. Ҳожилар қуёш чиқишидан сал олдин Мино томон равона бўладилар.

## **МУЗДАЛИФАДА ВУҚУФ ҚИЛАЁТГАН**

### **ПАЙТДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Муздалифада турганда бомдод намозидан кейин, қуёш чиқишидан аввал вуқуф қилаётган пайтда қуйидаги дуо ўқиган одам кўп ажру савобларга ноил бўлади:

حور غلب ماقم ل او نكزل او مارحل رهشل او مارحل تيبل او مارحل رعشم ل ا قحب مه ل ل ا  
مارك ل او لال ج ل ا اذ ا ي م ال س ل ا ر ا د ا ن ل خ د ا و م ال س ل ا و ة ي ح ت ل ا ن م د م ح م

**«Аллоҳумма, биҳаққил маъшарил-ҳароми вал-байтил-ҳаром, ваш-шаҳрил ҳароми вар-рукни вал-мақом, баллиғ рууҳа Муҳаммадин миннат-таҳийята вас-салаам, вадхилнаа даарос-салаама, йаа зал-жалали вал-икром»** (*Зайлаъий*).

**Маъноси:** «Аллоҳим! Маъшарул ҳаром, Байтул ҳаром, шаҳрул ҳаром, рукн ва мақоми Иброҳим ҳаққи ҳурмати бизлардан Муҳаммад алайҳиссаломнинг руҳларига салавоту саломлар юборгин! Эй улуғлик ва карам соҳиби, бизларни Дорус-саломга киритгин!».

**Фойда:** Ҳожилар Муздалифада Минодаги жамаротга тош отиш учун етмишта майда тош териб оладилар. Етмишта бўлишига сабаб шуки, Зулҳижжанинг ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи кунлари шайтонга тош отилади.

## **БАТНИ МУҲАССАРДАН ЎТИШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Муздалифадан Минога қараб келишда йўлда Муҳассар водийсига дуч келинади. Муздалифа билан Мино орасидаги бу жой фил асҳобларига азоб нозил бўлган макондир, шунинг учун бу ердан истиғфор ва дуо айтиб ўтиш

лозим. Бу ерда ўқиладиган дуо қуйидагича:

كَلِّدْ لِّبَقِّ اَنْفَاعَ وَكَبِّ اَدْعَبِ اَنْ كَلِّدْ هُتَّ اَلْوَكَبِّ صَغَبِ اَنْ لُّتَّقَاتِ اَلْمُؤَلِّلِ

**«Аллоҳумма, лаа тақтулнаа биғодабика ва лаа туҳликнаа биъзаабика ва ўаафинаа қобла залик»** (Китабул маносик).

**Маъноси:** «Аллоҳим! Бизларни ғазабинг билан қатл қилмагин, азобинг билан ҳалок қилмагин, бизларни бундан олдин афв қилгин».

## **МИНОГА ЕТГАНДАН КЕЙИН ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Муздалифадан Минога етиб келгандан сўнг, Жамаротга етиб боришдан аввал қайта-қайта талбия айтиб, такбир, таҳлил, истиғфор айтилади ва қуйидаги дуо ўқилади:

تَنْنَمَّ اَمَّ بِيَّ لَعَنَّ مَتَّ نَّ اَكُلْ اَسَّ اَكُذَّبَعُ نَبَّ اَوُ كُذَّبَعُ اَنْ اَوَّاهِ تَيْتَّ اَدَقَّ يَّ نَمَّ وَّهَّ مَّؤَلِّلِ  
نِي مَحَّ اَرَلَّ اَمَّ حَرَّ اَيَّ كُتَّ اَيَّ لَوْ اَيَّ لَعَّ وَّهَّ

**«Аллоҳумма, ҳазиҳи Минаа, қод атайтуҳаа ва ана ўабдука ва ибну ўабдик, асълука ан тамунна ўалайя би маа мананта биҳи ўалаа авлияаика, йаа арҳамар роҳимийн»** (Китабул ҳаж).

**Маъноси:** «Аллоҳим, бу Мино мақомидир. Мен унга ҳозир бўлдим. Мен Сенинг бандангман, бандангнинг фарзандиман. Дўстларингга эҳсон қилганингдек, менга ҳам эҳсон қилишингни сўрайман, эй меҳрибонлар меҳрибони!».

## **ЖАМАРОТ ТОШЛАРИНИ ОТИШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Қурбонлик куни Жамротул ақабага (катта шайтонга) тош отиш вақтида биринчи тош отиш билан талбия ниҳоясига етади. Ҳар тош отишда қуйидаги дуо ўқилади:

نَا مَحَّرَلَّ اَيَّ ضَرَّو نَا طَيَّ شَلَّ اَمَّ عَرَّ رُبَّ كُؤَّ اَوَّ لَوْ اَوَّ لَعَّ لَمَّ سَبَّ

**«Бисмиллааҳи, валлоҳу акбар! Роғман лиш-шайтони ва ридол-лирроҳмаан»** (Муъаллимул ҳужжож).

**Маъноси:** «Аллоҳ номи билан (шайтонга тош отаман), Аллоҳ улуғдир. Шайтоннинг бурнини ерга ишқаб, Роҳманнинг розилиги учун (тош отаман)».

Уч кун тош отиш пайтида ҳар тош отаётганда шу дуо ўқилади.

## **ЖАМАРОТ ТОШИНИ ОТГАНДАН КЕЙИН ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Ҳар бир шайтонга тош отгандан кейин Аллоҳ таолодан дуо сўралса, мустажоб бўлади. Дуо қабул бўладиган ўринлардан бири Жамарот тошларини отгандан кейинги пайт бўлиб, бу вақтда қўлни кўтариб, қуйидаги дуо ўқилади:

أَرْؤفُ عَمَّ يَبْنَدُو أَرْؤكُ شَمَّ يَيْ عَسَوَ أَرْؤرَبَمَّ يَّ حَلَّ عَجَّ اَّمَّ لَلْا

**«Аллоҳуммажъал ҳажжий мабруурон, саъий машкуурон, ва занбий мағфуурон»** (Фатҳул қодир).

**Маъноси:** «Аллоҳим! Ҳажимни мабрур қилгин, саъй-ҳаракатимни манфаатли қилгин, гуноҳларимни мағфират қилгин».

## **ҚУРБОНЛИК ДУОСИ**

Биринчи кун катта шайтонга тош отгандан кейин, яъни жамаротда Аллоҳ таоло ҳукмига амал қилгандан кейин қурбонлик қилинадиган жойга борилади. Қурбонлик қилишда «ربك اللهم صل على محمد وآل محمد» (Бисмиллааҳи, Аллоҳу акбар) дейиш кифоя қилади, лекин қуйидаги дуони ёдлаганлар уни жониворни ётқизаётган вақтда ўқиши лозим:

نِ اِنِّي كُرْشُ مَلَا نَم اِنَّا اَمَّو اَفِي نَحَضْرَا لْاَوَاتَاوَمَّ سَلَا رَطْفِ يَدَّلَلَّ يَهَّجَّو تَهَّجَّو يَّ نِ اِنَّا  
تُرْمُ اَكْلَ ذَبَّو ، هَلَّ كَيْ رَشَّ اَل ، نَيْ مَلَّ اَعْلَا بَرَّ هَلَّ لَّ يَاتَا مَمَّو يَّ اَيَّ حَمَّو يَّ كُ سُنَّو يَّ تَا لَّ ص  
نَيْ مَلَّ سُمُّ لَّا لَّوَّ اِنَّا

**«Инний важжаҳту важҳия лиллазий фаторос-самаваати вал-арди ҳанийфан, ва маа ана минал-мушрикийн. Инна солаатий, ва нусукий, ва маҳйаая ва мамаатий лиллааҳи Роббил ʔааламийн. Лаа шарийка лаҳу, ва бизаалика умирту, ва ана аввалул-муслимийн»** (Мишкоти шариф).

**Маъноси:** «Мен барча ботиллардан юз ўгириб, еру осмонни йўқдан бор қилган Зотга юзландим. Мен мушриклардан эмасман. Намозим, қурбонлигим, ҳаётим ва мамотим оламларнинг Робби – Аллоҳ учундир, Унинг шериги йўқдир. Шунга буюрилганман ва мен шунга таслим бўлувчиларданман».

**Эслатма:** Ушбу дуони ўқиб бўлгандан кейин «Бисмиллааҳи, Аллоҳу акбар!» деб, жонлиқ сўйилади.

## **СОЧ ОЛДИРАЁТГАН ВАТДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Ҳожилар қурбонлик қилиб бўлгач, сочларини олдирадилар ёки қисқартирадилар ва эҳромдан чиқадилар. Соч олдираётган вақтда қуйидаги дуо ўқилади:

موي ارون اهنم ةرعش لك ب يل لعج او يبونذ يل رفغ او يسفن ي ف كراب مه ل ل ا ةم اي قل ل ا

**«Аллоҳумма, баарик фий нафсий вағфирлий зунубий, важъал лий би кулли шаъротин минҳаа нурон явмал қияамаҳ»** (Фатавои қозихон).

**Маъноси:** «Аллоҳим! Менга барака ато қилгин, гуноҳларимни афв қилгин. Сочларимнинг ҳар толаси эвазига қиёмат куни мен учун бир нур қилгин».

## **МАККАИ МУКАРРАМАДАГИ ЖАННАТУЛ МУЪАЛЛО**

### **ҚАБРИСТОНИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛАЁТГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Мадинаи Мунавварадаги Бақийъ қабристонидан кейин дунёдаги энг афзал ва улуғ қабристон Маккаи Мукаррамадаги Жаннатул муъалло

қабристонидир. Бу ерда минглаб улуғ зотлар дафн этилган. Аёлларнинг саййидаси, ҳазрати Хадижа онамиз розияллоху анҳо ҳам шу қабристонга дафн этилганлар. У ерни зиёрат қилишга борганда қуйидаги лафзлар билан салом берилади:

نَوُوحِ اَلْمُكَبَّرِ لَلْءِشَاءِ اِنَّا وَاوَنِي نَمُومُومَ وَقَرَادُ مَكِّي لَعُمُ السَّلَا

**«Ассалааму алайкум, дааро қовмим муъминийн. Ва иннаа, иншааллоху бикум лааҳиқуун»** (Абу Довуд ривояти).

**Маъноси:** «Сизларга саломлар бўлсин, эй мўмин қавмлар ҳовлиси! Иншааллоҳ, биз ҳам сизларга қўшилувчимиз».

Шундан сўнг «Фотиҳа» сураси, «Бақара» сурасининг аввали, Оятул курсий ҳамда бошқа билган сураларни ўқиб, савоби ўтганларнинг руҳига бағишланади.

## **ҲАР ТАБАРРУК ЖОЙДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Сафар давомида қандай табаррук жойга борилса, қуйидаги дуони ўқиш жуда манфаатли бўлиб, Аллоҳ таоло ўша банданинг истакларини раво қилади:

نِي مِلْسَمِ اِنِّي حَاو نِي مِلْسَمِ اِن فَوْت مَه لَل اِن ع فَعَاو اِن فَاو اِن م لِب قَت اِن بَر مَه لَل اِن  
نِي ح ل اَص ل ل اِب اِن ق ح ل اَو

**«Аллоҳумма, роббанаа! Тақоббал миннаа ва ъаафинаа, ваъфу ъаннаа. Аллоҳумма, таваффанаа муслимийн ва аҳйинаа муслимийн, ва алҳиқнаа бис-солиҳийн»**

**Маъноси:** «Аллоҳим! Эй Роббимиз! Бизлардан (ибодатларимизни) қабул қилгин. Бизларни офиятда қилгин, бизларни афв қилгин. Аллоҳим! Бизларни мусулмон ҳолатимизда вафот топтириб, мусулмон ҳолатимизда ҳаёт кечиртиргин ва бизларни солиҳ бандалар сафига қўшгин».

## **СУБҲ ВА ШОМ ДУОСИ**

Кимки ҳар куни субҳ ва шом вақтида қуйидаги дуони ўқиб юришни одат қилса, турли зарарли нарсалардан омонда бўлади. Субҳда уч марта ўқиса, кун бўйи ғам-андух ва зарарли нарсалардан эмин бўлади, шом вақтида уч марта ўқиса, тун бўйи турли зарарли нарсалардан эмин бўлади. Дуонинг лафзи қуйидагича:

عِيْمَسَلَاوَو ، ءَامَسَلَا فِي الْوَضْرَآلَا فِي ، ءَيْشَهِمَسَاغَم رُضَيَاَلَا لَللَا مَسَبُ  
مِيَلْغَلَا

**«Бисмиллааҳиллазий лаа йадурру маъасмиҳи шайъун фил арди ва лаа фис-самаа, ва ҳувас-самийъул-ъалийм» (Термизий).**

**Маъноси:** «Исми ила еру осмонда ҳеч нарса зарар етказа олмайдиган Зот –Аллоҳнинг исми билан кеч киритаман ёки тонг оттираман. У Эшитувчи, Билувчи Зотдир».

## **ДУШМАН ЁКИ ХАТАРДАН**

### **САҚЛАНИШ УЧУН ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Тўсатдан душман ҳужум қилиб қолиши хавфи бор бўлса, қуйидаги дуо ўқилади. Иншааллоҳ, ёмонликдан эминда бўлади:

مَوْرُوشْ نَمَكْبُ ذُوْعَنَو ، مَوْرُوحُنْ فِي كَلْعَجَن اِنْمَلَلَا

**«Аллоҳумма, иннаа нажъалука фий нуҳууриҳим, ва наъзузу бика мин шурууриҳим» (Ҳисну ҳасийн).**

**Маъноси:** «Аллоҳим! Биз Сени уларнинг муқобилига қўямиз, уларнинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўраймиз».

## **КЕЧАЮ КУНДУЗ ЎҚИЛАДИГАН ДУО - САЙЙИДУЛ ИСТИҒФОР**

Кимки кечаси ёки кундузи саййидул истиғфор дуосини ўқиса ва ўша куни ёки кечаси вафот топса, жаннатий бўлади. Ушбу дуо шунчалар фазилатли бўлганлиги сабабли Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари уни



**Маъноси:** «Аллоҳим, Байтингга қилган бу сафаримни охиргиси қилмагин. Ўз раҳматинг ила Ўзинг мендан рози бўлгунингча қайта-қайта келишни насиб қилгин. Ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг шериги йўқ. Мулк Уникидир. Барча мақтовлар унгадир. У барча нарсага қодирдир. Ортга қайтгувчилармиз, тавба қилгувчилармиз, ибодат қилгувчилармиз, Роббимизга сажда қилиб, ҳамд айтгувчилармиз. Аллоҳ ваъдасига вафо қилди. Бандасига нусрат берди ва душманларни ёлғиз Ўзи мағлуб қилди».

مَوْلُكَ قَلْبِي خَلَّيْكَ بِبِحَبِيحِ عِلْمِ آدَبِ أُمَّةٍ مَّسْوَءٍ لِّصَلْبِ رَايِ

أَرِيثَكَ اللَّهُ لِمَ دَمَّ لَوْ أَرِي بَكَ رَبُّكَ اللَّهُ لَلِ

أَلَيْصَ أَوْ رَكْبَهُ لَلِ نَأْحُ بَسْوِ

[1] Худ 41 оят.

[2] Зумар 67 оят.

[3] Кимки тавоф қилаётган пайтда ушбу сўзларни айтса, ўнта гуноҳи ўчирилади, ўнта ҳасанот ёзилади ва даражаси ўнта кўтарилади.

[4] Фатвои қозихон.

[5] Ҳисни ҳасайн.

[6] Ибн Можа ривояти.

[7] Фатвои қозихон.

[8] Ҳисну ҳасийн.

[9] Ҳисну ҳасийн.

[10] Ибн Можа ривояти.

[11] Табйийнул ҳақоиқ.

[12] Табйийнул ҳақоиқ.

[13] Ибн Можа ривояти.

[\[14\]](#) Фатавои қозихон.

[\[15\]](#) Сунани Термизий.

[\[16\]](#) Ҳисну ҳасийн.

[\[17\]](#) Ибн Можа ривояти.

[\[18\]](#) Зайлаъий.

[\[19\]](#) Зайлаъий.

[\[20\]](#) Сунани Термизий.

[\[21\]](#) Ҳисну ҳасийн.

[\[22\]](#) Ибн Можа ривояти.

[\[23\]](#) Ибн Можа ривояти.

[\[24\]](#) Ибн Можа ривояти.